

## Ташриқ ва қурбонлик кунлари



17:04 / 15 июнь 7769

«Ташриқ кунлари» луғатда «офтобда қуритиш кунлари» деган маънони билдиради. Истилоҳда Қурбон ҳайитидан кейинги уч кун «ташриқ кунлари» саналади. Илгари ўша кунлари ҳожилар Минода туриб, қурбонликлари сўйилганидан кейин гўштини қуёшга қўйиб қуритиш билан машғул бўлишган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ташриқ кунлари рўза тутишдан қайтарганлар.

*Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:*

**«Аллоҳни саноқли кунларда эсланг. Бас, ким икки кундан кейин шошилиб, кетиб қолса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга ҳам гуноҳ йўқ. Бу - тақво қилувчилар учун. Аллоҳга тақво қилинглари ва билинглари, албатта сиз Унга тўпланурсиз»** (Бақара сураси, 203-оят).

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло «ташриқ кунлари»да Ўзини кўп зикр қилишга ҳукм қилмоқда. Ташриқ кунлари намоздан кейин ташриқ такбирини айтиш вожибдир.

Демак, юқоридаги ояти каримадан бешта ҳукм билинади:

1. Ташриқ кунлари Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиш;
2. Ташриқ кунлари Минода туриш;
3. Қурбонлик кунидан кейинги ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлар тошини отиш вожиб;
4. Ўн учинчи куннинг тошини отиш эса афзал ва яхши;

5. Аллоҳ таолодан хавфда туришни ихтиёр қилиш лозим ва заруридир.

Ташриқ кунлари зул-ҳижжанинг ўн биринчи кунидан бошлаб ўн учинчи куннинг қуёши ботгуничадир. Қурбонлик кунлари эса, ўнинчи кундан бошлаб ўн иккинчи кунгачадир. Демак, иккиси тўрт кундир. Ушбу кунлардан ўнинчиси кун қурбонликка хос кундир. Ўн учинчи кун эса ташриққа хосдир. Иккисининг орасидаги икки кун қурбонлик билан ташриқ орасида муштаракдир. «Наҳр»нинг маъноси қурбонлик қилишдир. «Ташриқ»нинг маъноси эса, гўшти қуритишдир.

*Ташриқ такбирининг лафзлари қуйидагилардир:*

**«Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, Аллоҳу акбар валиллаҳил ҳамд».**

Ташриқ такбири тўққизинчи зул-ҳижжа кунининг бомдод намозидан ўн учинчи куннинг асригача ҳар фарз намоздан кейин эркакларга баланд овозда, аёлларга эса паст овозда бир марта айтиш вожибдир, яъни 23 та намозда ташриқ такбирини айтиш вожибдир. Ҳайит намози билан 24 та намоз бўлади. Жамоат билан ўқиладиган намозларда имом ташриқ такбирини айтишни эсдан чиқариб қўйса, муқтадийлар имомнинг ёдига солишлари керак бўлади.

Ташриқ такбири ҳожи, муқим, мусофир, ёлғиз намоз ўқувчи, жамоат билан намоз ўқувчи, аёлларга, шаҳарликларга, қишлоқликларга ва ҳожи бўлмаганларга вожибдир, яъни барчага баравар вожибдир.

Қурбонлик кунлари ўнинчи зул-ҳижжадан ўн иккинчи зул-ҳижжача, яъни уч кундир. Ушбу уч кундан аввалги кунда Жамраи Ақабага тош отиш вожибдир. Соч олдириш, қурбонлик қилиш ва тавофи зиёратни ушбу уч куннинг охири кунигача кечиктириш мумкин. Агар охири кун ўтиб кетса, ушбу уч ишдан бирортаси боқий қолмайди ва жаримаси учун қурбонлик қилиш лозим бўлади.

Қурбонлик қиблага қаратилиб: **«Бисмиллаҳи, валлоҳу акбар. Аллоҳумма ҳаза минка ва лака»** деб сўйилади.

Қурбонлик сўйиш Аллоҳ таолонинг амрига биноан қон чиқариш бўлиб, бу ибодат фидокорликка тайёрланиш рамзидир. Энди эҳром ман қилган ҳамма нарсалар ва ишлар жоиз бўлади. Фақат аёлига яқинлик қилиш мумкин бўлмайди.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Мўминнинг умр сафари китобидан)*